

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ  
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОНАРКУЛОВ МАҚСАДЖОН КАРИМБЕРДИЕВИЧ**

**КИНЕТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ  
БИЛАН ТЕНЗОСЕЗГИР  $(\text{Bi Sb})_2\text{Te}_3$  ЮПҚА ПАРДАЛАРНИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ БОШҚАРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences**

**Онаркулов Мақсаджон Каримбердиевич**

Кинетик жараёнларни математик моделлаштириш билан тензосезгир (BiSb)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> юпқа пардаларни олиш технологиясини бошқариш..... 4

**Онаркулов Мақсаджон Каримбердиевич**

Управление технологией получения тензочувствительных пленок (BiSb)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> математическим моделированием кинетических процессов..... 23

**Onarkulov Maksadjon Karimberdievich**

Control of the technology of obtaining strain-sensitive films (BiSb)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> by mathematical modeling of kinetic processes..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ  
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОНАРКУЛОВ МАҚСАДЖОН КАРИМБЕРДИЕВИЧ**

**КИНЕТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ  
БИЛАН ТЕНЗОСЕЗГИР  $(\text{Bi Sb})_2\text{Te}_3$  ЮПҚА ПАРДАЛАРНИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ БОШҚАРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/FM484 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ispm.uz](http://www.ispm.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) веб-саҳифаси манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Далиев Хожакбар Султанович  
Физика-математика фанлари доктори,  
профессор

Расмий оппонентлар:

Рахматов Ахмаджон Зайнитдинович  
техника фанлари доктори, профессор  
Зикриллаев Нурилла Фатхуллаевич  
Физика-математика фанлари доктори,  
профессор

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 12 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент ш., Янги Олмазор кўчаси, 20-уй, Тел.: (+99871)248-79-94, факс: (+99871)248-79-92, e-mail: [info@ispm.uz](mailto:info@ispm.uz))

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишини мумкин. (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-92; e-mail: [info@ispm.uz](mailto:info@ispm.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 12 кун тарқатилди.  
(2021 йил «18» 12 даги 31 рақамли реестр баёниномаси).



Ш.Б. Утамурадова  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, PhD,  
кўмакчи илмий ходим

Х.К. Арипов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
ф.-м.ф. д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда яримўтказгичлар физикасидаги фундаментал кашфиётлар билан бир вақтда яримўтказгич материаллари олиш ва уларга асосланган қурилмаларни ишлаб чиқариш технологияси ҳам ривожланиб бормоқда. Висмут-сурьма тизимининг қотишмалари асосидаги материал юқори тензо ва термоэлементларни яратиш учун энг самарали материаллардан биридир, шу сабабли уларда кечадиган физик ҳодисаларни, хусусан, тензосезгирликни ушбу материалларга асосланган кичик ўлчамли тузилмаларни ўрганиш ва улар асосида замонавий электрон қурилмалар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида поликристалл тузилмалардаги физик жараёнларни ўрганиш, хусусан, поликристал пардаларнинг шаклланиш жараёнларини ўрганиш; технологик омилларнинг физик механизмларга таъсири, энергетик спектрларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрнатиш ва кинетик жараёнларни моделлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг ечими юқори ишчи параметрларига эга бўлган тензосезувчи элементларини ишлаб чиқариш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради. Ушбу йўналишларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Республикамизда қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини олиш технологиясига, шунингдек яримўтказгич материаллар ва улар асосидаги асбоблар структураларининг хусусиятларини комплекс ўрганиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Бу соҳада турли хил тагликларда тор зонали яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг монокристалл эпитаксиал қатламларини ўстириш ва улар асосида инфрақизил соҳада сезгирлиги юқори бўлган кўп қатламли структуралар олишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда маҳаллий товарларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур йўналишда микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқариш учун зарур электрофизик хусусиятларга эга бўлган янги яримўтказгич материаллар қаттиқ қоришмаларни яратиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратиш, илмий ва инновацион ютуқларни

амалиётга жорий этиш масалаларида, замонавий усулларни яратишга, шунингдек юқори самарадорликка эга асбоблар олиш технологияси учун

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ 4947-сонли фармони.

дастурий таъминотга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги "2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги ПФ-2772-сонли Фармонида, 2017 йил 17-февралдаги ПФ-2789-сонли "Фанлар академиясининг фаолияти ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 19 февралдаги 5349-сонли ва "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармонларида, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва актларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республикасида фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган электрон қурилмаларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, сўнгги йилларда дунёнинг илғор мамлакатлари олимлари ва ишлаб чиқарувчиларининг эътиборлари поликристалл конструкцияларга йўналтирилган физик жараёнларни ўрнатишга, шунингдек уларнинг ишлаш ишчи параметрларини ошириш усуллари ишлаб чиқишга қаратилди.

Рус олимлари В.И.Стафеев, В.И.Кайданов, А.Н.Серьезнов, В.И. Фистуль ва бошқалар томонидан бир жинсли бўлмаган тузилмаларни ўрганилган ва уларда юз берадиган физик жараёнларнинг хосликлари ўрнатилган, киришмаларнинг энергетик спектрлари аниқланган, улардан фойдаланиш ва ишчи параметрларини ошириш усуллари аниқланди.

Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли қурилмалар физикасининг ривожланишига Ўзбекистоннинг олимлари, шу жумладан академиклар М.С.Саидов, Р.А.Мўминов, А.Т.Мамадалимов, С.З.Зайнабидинов, М.К.Баходирхоновлар ва бошқалар ўз хиссаларини қўшдилар. Поликристалл яримўтказгичларнинг хусусиятларини физика-математика фанлари докторлари С.Х.Шамирзаев (бир жинсли бўлмаган тузилмалардаги кинетик жараёнларни ўрганиш), Б.А.Атакулов (поликристалл юпқа пардалардаги деформация ҳодисаларини ўрганиш), Ш.Б.Атакулов (юпқа пардали тузилмаларнинг термо ва тензоэлектрик хусусиятлари), Абдурахманов К.П. (нуқсонларни ҳосил қилиш жараёнлари) ва бошқалар томонидан ўрганилган ва кристаллитлар чегара қисмини ярим ўтказгич ва диэлектрикнинг ҳажмий қисми хусусиятларидан фарқли бўлишини белгилайдиган асосий омил, бу яримўтказгичнинг тақиқланган зонасида энергетик сатҳ ҳосил қиладиган сирт электрон ҳолатларининг мавжуд эканлиги аниқланди.

Яримўтказгичлар ва яримўтказгич конструкцияларининг хусусиятларини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларнинг кўплигига қарамай, юқори самарали юпқа пардалар асосидаги конструкцияларни олиш учун технологик

жараёнларни мақсадли бошқаришга имкон берадиган жараён ҳали ҳам мавжуд эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқотлар режасининг ИТД-12-56 “Яримўтказгичли термоэлектрик материалларни олиш технологияси” (2012-2014)) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** висмут ва сурьма халкогенидлари асосида юқори самарали поликристалли юпқа парда элементларини олиш технологиясини назорат қилиш мақсадида кинетик жараёнларнинг математик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосида юқори сезгир юпқа пардали таркибларини олишнинг технологик жиҳатларини аниқлаш;

юпқа пардаларни олиш технологик шароитларини уларнинг таркиби ва тузилишига таъсирини аниқлаш;

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  поликристалл юпқа пардаларида кинетик жараёнларнинг физик механизмини яратиш;

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосида юпқа пардалардаги кинетик жараёнларнинг математик моделини яратиш;

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосидаги юпқа пардали сезгир элементлардан механик зўриқишларни ўлчаш учун ўлчагичлар сифатида амалий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида вакуумда термик буғлантириш усули билан олинган  $Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосидаги поликристалл юпқа пардалар олинган.

**Тадқиқот предмети**  $Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  дан тензосезгир юпқа пардаларни олишни технологик жараёнларни ўрнатиш, электрофизик параметрларнинг ўзгариш кинетикасининг математик моделини ишлаб чиқиш ва тажриба натижалари билан таққослашдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: вакуумда термик буғлантириш, электрон микроскоп, рентгенологик таҳлил ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилар иборат:

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосида юқори сезгир поликристалли юпқа парда элементларини олиш физико-кимёвий жиҳатлари ва технологиясини ишлаб чиқилган;

$Bi_{2-x}Sb_xTe_3$  асосида тензосезгир юпқа пардалар олишнинг оптимал ҳолатлари аниқланган. Максимал тензосезгирлик коэффициенти  $T_{\pi} = 90^{\circ}C$  ва  $W=200 \text{ \AA}/c$  да кузатилган.  $T_{\pi}$  ва  $W$  ортиши билан юпқа пардаларнинг муайян солиштирма қаршилиги камайиши аниқланган;

ҳавода юпқа пардаларни оптимал мувозанатлаштириладиган қиздириш вақти 6-8 соат эканлиги аниқланган, бу эса  $125^{\circ}C$  ҳароратда шундай қиздириш учун теллур буғида сарфланадиган вақтдан 4 соат кам эканлиги аниқланган;

тензо кўрсаткич сифатида юпка парда структураларини қўллаш орқали  $\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  асосида паст ҳароратларда ( $20\div 40$  °C) юпка парда ҳажмининг ўзгаришини қайд қилиш учун янги усул ишлаб чиқилган;

$\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  поликристалли юпка пардаларнинг ҳосил бўлиш механизми белгиланган ва  $50\text{-}150$  °C таглик ҳарорати  $100\text{Å}$  дан  $500\text{Å}$  гача ошиши билан юпка пардалардаги кристаллитларнинг ўртача катталиги ортиб бориши кўрсатилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар иборат:

$\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  бирикмаси асосидаги поликристалл юпка пардаларни паст ҳароратларда ҳажм ўзгаришини қайд этиш учун қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

Реал энергетик структурани ҳисобга олган ҳолда поликристалл юпка пардали элементлардаги кинетик жараёнларни тажрибавий натижаларга мос келадиган дастур ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий ўлчаш воситалари ва тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, экспериментал ва ҳисобланган маълумотларни бошқа муаллифларнинг назарий натижаларни билан мувофиқлиги, шунингдек олинган натижаларни замонавий физик моделлар асосида тавсифланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти  $\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  бирикмаси асосида юқори сезгирликка эга бўлган поликристалл юпка пардаларни олиш технологиясининг индивидуал ва умумлаштирилган эмпирик қонуниятларини аниқлаш ва бир жинсли бўлмаган тузилмаларда юз берадиган физик жараёнлар ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти  $\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  бирикмаси асосида юқори тензо ва термоэлементларни яратиш, тензосезгирликни ушбу материалларга асосланган кичик ўлчамли тузилмалар асосида замонавий электрон қурилмалар ишлаб чиқаришда қўлланилишидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

$\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  бирикмаси асосида юқори сезгирликка эга бўлган поликристалл юпка пардаларни олиш технологиясининг индивидуал ва умумлаштирилган эмпирик қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

$\text{Vi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  асосидаги поликристалл юпка пардалар таркиби ва структурасини шаклланиши механизмини ўрганиш натижалари ва улар асосида зарядлар кўчиши кинетик ҳодисалари характерини ойдинлаштириш, уларни математик моделлаштириш ва тажрибавий натижалар билан таққослаш илмий тадқиқот натижалари 2012-2016 йилларда Наманган давлат университетиде бажарилган Ф2-ОТ-О-15494 “Нурлатгичлар, фотоэлементлар ва бошқа оптоэлектрон қурилмалар самарадорлигини кутбий, биқутбий ва кучайтириш ҳодисалари асосида квантли нуқтавий гетеро ва наноструктураларда кенгайтиришни ўрганиш асосида ошириш” фундаментал лойиҳада қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил

2 октябрдаги № 89-03-3616 маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оптоэлектрон нурлатгичларнинг самарадорлигини ошириш имконини берган.

тензосезгирлик коэффициенти ва қаршилиқнинг температуравий коэффициенти ўзгаришини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижаларидан Россия фанлар академияси Сибир бўлими А.В.Ржанов номидаги Яримўтказгичлар физикаси институтида Россия фундаментал тадқиқотлар фондининг №17-32-50161 «Ярим ўтказгич квант ўраларида оптик фаоллик ва магнит индукцияланган фазовий дисперсияни экспериментал тадқиқот қилиш» мавзусидаги ишни бажаришда фойдаланилган (РФА СБ Яримўтказгичлар физикаси институтидан 01.10.2020 йилдаги № 15307-26-2433 маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш диссертация ишида тавсия қилинган технологик жараённи ярим ўтказгич структуралардаги кинетик жараёнларни математик моделлаштириш орқали бошқариш натижалари юқори самарали поликристалл сезгир элементлар олиш ва датчикларини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро миқёсда ўтказилган конференцияда ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза ва муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 17 та илмий ишда, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 5 та мақола, шу жумладан 3 та мақола хорижий халқаро журналларда чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан ихтиролар учун 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва таркиби.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 30 та расм, 6 та жадвални ўз ичига олган ҳолда, 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, диссертация тадқиқотининг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, хусусан, поликристалл юпқа пардали тузилмаларида кинетик жараёнларнинг физик моделларини ишлаб чиқиш ва уларни математик моделлаштириш усуллари кўриб чиқилган. Диссертацияда ёритилган мавзулар бўйича дунёда олиб борилган асосий илмий тадқиқотлар таҳлил қилинди ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўриб чиқилди. Диссертация иши бажарилган ташкилотнинг илмий тадқиқотлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари белгиланган, илмий янгилик аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилик мезонлари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларнинг жорий этиш ва ишнинг

синовдан ўтказиш муҳокаmaları тўғрисида қисқача маълумотлар берилган, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.


Биринчи бобда  $A_2^V B_3^{VI}$  бирикмаларга асосланган тензоэлектрик вакуум конденсатларининг физик-кимёвий хоссалари" висмут-сурма-теллур асосидаги қаттиқ қоришмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, улар асосидаги поликристалл тузилмаларини олиш технологияси ва уларнинг кинетик хусусиятлари ҳақида адабиётлар таҳлили кўриб чиқилган.

Ушбу гуруҳнинг яримўтказгич бирикмалари ўрганилиш даражаси "классик" ярим ўтказгичларга, яъни германий ва кремнийга яқинлашиш эҳтимоллигини кўриш мумкун. Бу айниқса,  $(Bi_2Te_3)$ ,  $(Sb_2Te_3)$  ва айрим уларнинг асосидаги баъзи қаттиқ қотишмаларига тўғри келади.  $Bi_2Te_3$  ва  $Sb_2Te_3$  ярим ўтказгич бирикмалари узлуксиз изоморф қаттиқ қотишмалар ҳосил қилади. Висмут - сурма теллурид тор зонали бирикмаларга киради:  $300^0K$  да  $x=1,5$ га яқин бўлганда, бирикмадаги тақиқланган зона кенглиги  $E_g=0,14-0,16$ эВ бўлади. Висмут - сурма теллурид юпқа пардаларидаги кинетик коэффициентларнинг хосликлари асосан уларнинг зонавий тузилишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Монокристал юпқа пардаларда олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, висмут-сурма теллуридда валент зона иккита ноэквивалент зоналардан иборат бўлиб, уларнинг экстремуми энергия ва импульс бўйича ажралиб туради.

Бир қанча ишларда  $Bi-Te$  ва  $Sb-Te$  ларнинг ҳолат диаграммалари тақдим этилган. Уларда  $Bi_2Te_3$  бирикмасининг стехиометрик таркиби 40.065%  $Bi$  ва 59.935%  $Te$  га тўғри келиши аниқланган. Оптик тақиқланган зона кенглиги  $E_g$ , қаттиқ қоришманинг таркибига қараб  $Bi_2Te_3$  дан  $Sb_2Te_3$  гача ортиб боради ва барча бирикмалар учун ҳарорат ошиши билан камаяди ( $dE_g/dT=-1,5 \cdot 10^{-4}$  эВ/град).

Юпқа пардаларнинг хусусиятларини аниқлайдиган муҳим кўрсаткич, уларнинг структураси бўлиб, у қайта буғланиш технологияси билан ҳам олинади. Кристаллитларнинг ўлчамлари слюдадаги юпқа пардалар учун 5-10 мкм ва полиимидда 1-2 мк ни ташкил этди. Кристаллитлар ўлчамлари юпқа парда қалинлигининг камайиши билан, шунингдек, қотишма таркибидаги сурьма кўпайиши билан камаяди. Мисол учун 1 - расмда қалинлиги 1000 нм бўлган, турли хил таркибли юпқа пардалар учун солиштирма қаршилиқнинг ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Температуранинг пасайиши билан висмут - сурьма қотишмалари юпқа пардаларида ҳароратнинг ўрганилаётган бутун диапазонда қаршилиқнинг монотон ўсиши кузатилади. Қотишма таркибидаги сурьманинг кўпайиши  $77^0K$  ҳароратда плёнкаларнинг қаршилигининг ошишига олиб келади, бу сурьма концентрациясининг ошиши билан монокристалларнинг қаршилигининг ўзгариши билан мос келади.

Максимал қаршилиқ  $77^0K$  да 1000 нм қалинликдаги  $Bi_{0,88}Sb_{0,12}$  юпқа пардаларида кузатилади (1-расмда ички кўшимча).  $Bi_{0,92}Sb_{0,08}$  ва  $Bi_{0,88}Sb_{0,12}$  дан ташқари барча таркиблар учун солиштирма қаршилиқ юпқа парда қалинлигининг камайиши билан ортади.




**1- расм. Слюдадаги қалинлиги 1000 нм бўлган юпқа парданинг солиштирма қаршилигини температурага боғлиқлиги. Ички қўшимча турли қалинликдаги  $\text{Bi}_{0.88}\text{Sb}_{0.12}$  юпқа пардаларининг солиштирма қаршилигини ўзгаришини кўрсатади.**

Слюда  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  вакуум конденсатларига кучли эпитаксиал таъсир кўрсатади. Электронограм ва рентгенографик тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра, конденсация ҳарорати тахминан  $360^\circ\text{K}$  бўлганда полимиддаги  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  юпқа пардалари таглик текислигида (110) ва (200) текисликлар бўйича тасодифий йўналтирилган кристаллитлардан иборат поликристалдир. Ушбу текисликлар  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  ўсиш текислигига перпендикуляр бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилганидек (0001) текисликка мос келади. Шу муносабат билан полимиддаги юпқа пардаларда конденсат ва тагликнинг чизикли кенгайиш коэффициентлари фарқидан келиб чиқадиган ички механик кучланишлар натижасида юпқа пардалар ўсиш текисликлари бўйлаб ёрилиб, микроёриқлар сеткаси ҳосил бўлади.

Материалнинг физик хусусиятларини одатда олиш усуллари жуда оддий бўлган монокристалл  $\text{Bi}_{0.5}\text{Sb}_{1.5}\text{Te}_3$  юпқа пардаларига нисбатан олинади.  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  монокристалл юпқа пардалардаги кинетик ҳодисалар ва баъзи зонавий параметрларини ўрганиш асосида (асосан таркиби  $x \approx 1,5$  га яқин намуналарда)  $T > 150^\circ\text{K}$  да  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  да асосий сочилиш жараёни панжараларнинг акустик тебранишлари бўлиб ҳисобланади. Паст ҳароратларда асосий жараён аралашма сочилиши бўлиб, аралашма сочилишнинг қайси тури (ионланган ёки нейтрал марказларда сочилиш) устунлик қилишини аниқ айтиш жуда қийин, чунки висмут-сурьма теллурид юқори статик диэлектрик киритувчанликка эга бўлган бирикмаларга киради ва зарядланган марказларнинг кулон потенциали жуда қисқа масофаларда экранланади. Муаллифлар таъкидлаганидек, кучли даражада легирланганда ёки бирикма таркибининг стехиометриядан сезиларли даражада оғиши билан, аралашма сочилиш  $T > 150^\circ\text{K}$  да ҳам сезиларли даражада намоён бўлиши мумкин.

Конденсатланиш шароитларининг юпқа пардаларнинг параметрларига ва кинетик коэффициентларнинг ҳароратга боғлиқлиги қонуниятларига таъсирини аниқлаш борасида кенг миқдордаги тадқиқот ишлари олиб

борилди. Аморф тагликка ўтказилган ва юқори тензосезгирлик коэффициентларига эга  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  юпқа пардалар электр ўтказувчанлиги  $\sigma$ , термоэлектрик коэффициенти  $\alpha$ , тешиклар концентрацияси  $\rho_n$  ва уларнинг Холл ҳаракатчанлиги  $\mu_n$  нинг ҳароратга боғлиқлиги 2- расмда келтирилган.



**2- расм Тензосезгирлиги юқори бўлган висмут-сурьма теллурид юпқа пардасининг кинетик коэффициентларининг температурага боғлиқлиги.**

Бу ерда юпқа пардаларнинг Холл ҳаракатчанлиги ва электр ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқ ўзгариши камлиги диққатга сазовордир. 3-расмдан кўринадики,  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  тензосезгир юпқа пардалари электр ўтказувчанлигининг температурага боғлиқлиги суяқ гелий ҳароратига қадар сақланиб қолади. Холл ҳаракатчанлигининг қиймати массив материаллар ва монокристалл юпқа пардалардагидан бир - икки даражага, баъзи ҳолларда эса уч даражагача паст. Юқори тензосезгирлик билан бир қаторда Холл ҳаракатчанлигининг бундай паст кўрсаткичлари ва  $\mu_n(T)$  ва  $\sigma(T)$  нинг суяқ боғлиқликлари аморф тагликларда синтезланган поликристалл  $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  юпқа пардаларининг структураларидаги нуқсонли тузилишининг ўзига хосликлари билан боғлиқ, яъни юпқа парда-таглик тизимидаги ички механик кучланишлар пайдо қилган микроёриқлар тўрнинг шаклланиши билан боғлиқ. Микроёриқлар энергетик тўсиқлар ҳосил қилади ва заряд ташувчилар улардан туннеллашув орқали ўтади. Ҳисоб-китобларга кўра, микроёриқлар қалинлиги ва шу сабабли улар билан боғлиқ бўлган энергетик тўсиқлар 20Å га тенг. Энергетик тўсиқлар кристаллитлар орасидаги электр ўтказувчанлигини сезиларли даражада чеклайди ва  $\mu_n$  ва  $\sigma$  нинг ҳароратга боғлиқлигининг ўзига хослигини аниқлайди. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

**Иккинчи боб “ $\text{Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_3$  тензосезгир юпқа пардаларини олиш технологияси ва параметрларини ўлчаш усуллари”.** Юпқа пардали тензоқаршилиқлар олишнинг асосий усули бу яримўтказгичли материални нейтрал диэлектрик тагликка маълум ўлчамларга эга бўлган ниқоб орқали вакуумда термик усулда ўтказишдир. Шундай қилиб Ge, Si, Bi, Te, InSb, PbS, ZnGa,  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ ,  $\text{Sb}_2\text{Te}_3$  ва бошқа материаллардан юпқа пардали тензосезгир


элементлар олинган. Биз юпқа пардали структураларни олиш учун модернизация қилинган битта постли ВОУ-1А вакуум қурилмасидан фойдаландик. Ишчи ҳажм - буғлатиш камераси зангламайдиган пўлат плитадан ва шиша гумбаздан иборат. Ток ўтказгичлари сифатида асосга мустаҳкамланган ва изоляция қилинган диаметри 12-16 мм бўлган латун таёқчалари хизмат қилади. Тутқич 60мм х 40мм ва 3 мм қалинликдаги иккита тўртбурчаклар мис (латун) пластинкалардан ясалган бўлиб, улар орасидаги слюда қистирмалари остида иситиш элементи - ясси нихром спирал жойлаштирилган. Таглик ушлагичининг конструкцияси ҳар хил материаллардан ясалган тагликларни ўрнатишга имкон беради, уларнинг юзалари тозалагандан кейин спиртли эритма билан артилади. Тутқич сифатида диаметри 80 мм ва қалинлиги 3 мм бўлган иккита думалоқ бронза диск ишлатилган. Тўртбурчак тантал буғлатгичлар  $(\text{Bi}_x\text{Sb}_{1-x})_2\text{Te}_3$  нинг буғланиши учун қўлланилди.

Дастлаб материални қиздириш жараёнида енгил учувчи компоненталар ва аралашмалар биринчи навбатда буғланиб, таглик ва канденсат ўртасида оралиқ қатлам ҳосил қилганлиги сабабли, бу қатламни олиб ташлаш учун таглик-буғлатгич тизимининг бўш ишлаши таъминланади, бунинг учун биз уларнинг орасига тутқич ўрнатдик. Тутқич ёпилганда, учувчи аралашмалар тутқичнинг пастки қисмида конденсацияланади.

Деформациянинг юпқа пардалар хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун олинган наъмуналар пўлат пластинкаларга ёпиштирилади. Пластинкани эгиш орқали юпқа пардага деформация берилади. Наъмунани деформациялаш схемаси 3-расмда келтирилган. Эгилиш қиймати стрелкали индикатор ёрдамида ўлчанди. Нисбий деформация қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаб чиқилган

$$E = \frac{3\alpha x}{l^2} \Delta y \quad (1)$$

бу ерда  $l$  пўлат пластинканинг асосга маҳкамлаш ва деформация кучи бериш нуктаси орасидаги узунлиги,  $\alpha$ - деформация кучи қўйиладиган нуктадан юпқа парда намунасининг ўртасигача бўлган масофа,  $\Delta y$ - деформация кучи қўйилиш нуктасида пластинканинг эркин учининг эгилиши катталиги (3-расм).



3- расм. Наъмуни деформациялаш мосламасининг схематик кўриниши; 1-юпқа пардалар, 2-контакт, 3-эластик пластинка.

Юпқа пардаларнинг тензосезгирлик коэффиценти куйидаги ифода бўйича ҳисоблаб чиқилган


$$K = \frac{\Delta R}{R \cdot \varepsilon} \quad (2)$$

Ўлчашдаги хато асосан нисбий  $K$  деформация ва  $\Delta R/R$  қаршилиқнинг нисбий ўзгаришини аниқлашдаги хатолардан иборат эди. Ўлчовнинг максимал хатоси 2-5% дан ошмайди.


Иккинчи бобда вакуумда буғланиш йўли билан тензосезгир юпқа парда элементларини олишнинг технологик жиҳатлари ишлаб чиқилди, технологик жиҳозларга қўйиладиган асосий талаблар аниқланди. Деформацияга сезгир юпқа пардаларнинг кинетик параметрларини ўлчаш усуллари белгиланди, поликристалл юпқа пардаларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш учун намуналар тайёрлаш усули аниқланди.

**“Юпқа пардалар олиш технологиясининг  $(\text{Bi}_{0.5}\text{Sb}_{1.5})\text{Te}_3$  юпқа пардалар хусусиятларига таъсири”** деб номланган 3-бобда  $\text{Bi}_{0.5}\text{Sb}_{1.5}\text{Te}_3$  асосидаги тензосезгир юпқа пардаларнинг электрофизик хусусиятлари ва кинетик коэффицентларига таъсир қилувчи технологик омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.  $(\text{Bi}_2\text{Te}_3)_x - (\text{Sb}_2\text{Te}_3)_{1-x}$  қаттиқ қотишмаларини вакуумда термик буғлатиш билан олинган юпқа пардаларнинг электрофизик ва тензорезистив хусусиятлари буғланган ва конденсатланган молекуляр оқимларнинг таркибига, тагликларнинг  $T_{\text{II}}$  тури ва ҳароратига, буғлатгичнинг  $T_{\text{U}}$  температураси, юпқа парданинг ўсиш тезлиги  $W$ , қалинлиги  $h$ , иссиқлик билан ишлов бериш ва бошқа макроскопик технологик параметрларга жуда боғлиқ бўлади. Буғланаётган қотишма  $(\text{Bi}_x\text{Sb}_{1-x})_2\text{Te}_3$  учун  $x$  нинг маълум бир қийматида, бошқа технологик параметрларнинг турли хил қийматларида физик хусусиятлари жуда кенг диапазондаги юпқа пардаларни олиш мумкин.  $x$  нинг қиймати 0 дан 1 гача кўтарилиши билан  $E_g$  қотишмасининг оптик тақиқланган зона оралиғи  $T = 300^{\circ}\text{K}$  да 0,29 эВ ( $\text{Sb}_2\text{Te}_3$ ) дан 0,14 эВ ( $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ ) гача камаяди ва  $(\text{Bi}_x\text{Sb}_{1-x})_2\text{Te}_3$  қаттиқ қотишманинг барча таркиблари учун у температура ва гидростатик босимнинг ошиши билан камаяди ( $dE_g/dT = -1.5 \cdot 10^{-4}$  эВ/град,  $dE_g/dP = -2 \cdot 10^{-6}$  эВ/атм,  $P < 3 \cdot 10^4$  атм.). 4-

расмда кўринганидек,  $x \approx (0.1-0.3)$  оралиғида  $E_g$  қийматининг кескин ўсиши кузатилмоқда, бу маълум бир таркибли поликристалл юпка пардаларининг электрофизик хусусиятларининг уларни олиш технологиясига ва ташқи таъсирга кескин боғлиқлигида намоён бўлиши керак. Бу дастлабки  $(\text{Bi}_{0.25}\text{Sb}_{0.75})_2\text{Te}_3$  материални танлашни асослаб беради.



**4- расм. Оптик тақиқланган зона кенглиги  $E_g$  нинг  $85^\circ\text{K}$ ,  $186^\circ\text{K}$ ,  $299^\circ\text{K}$  температурадаги  $(\text{Bi}_x\text{Sb}_{1-x})_2\text{Te}_3$  қаттиқ қотишмаси учун таркибий нисбати  $x$  га боғлиқлиги.**



**5- расм.  $(\text{Bi}_{0.25}\text{Sb}_{0.75})_2\text{Te}_3$  юпка пардаларининг деформациявий характеристикалари: янги тайёрланган (1) ва  $5 \times 10^{-4}$  торрли вакуумда тобланган.  $T = 125^\circ\text{C}$  ҳароратда 2 соат (2), 4 соат. (3) ва  $6 \div 10$  соат (4).  $W = 200\text{\AA} / \text{с}$ .**


Энг юқори тензосезгирлик коэффициенти қийматини,  $2 \cdot 10^4$  га тенг нисбий бирлик, биз полиамид тагликка янги олинган  $(\text{Bi}_{0.25}\text{Sb}_{0.75})_2\text{Te}_3$  юпка пардасида ўлчадик. Аммо аномал даражада юқори тензосезгирлик коэффициентига эга бўлган бундай юпка пардаларнинг хоссалари беқарор: солиштирма қаршилиги, термоэлектрик коэффициенти  $\alpha$ , тензосезгирлик коэффициенти ва бошқа хусусиятлари вақт ўтиши билан ва синов пайтида ўзгаради.

5-7-расмларда турли хил газ муҳитларида  $125^\circ\text{C}$  температурада тобланган полиамид тагликлардаги қалинлиги 6 микронга тенг бўлган юпка пардаларнинг деформациявий характеристикалари кўрсатилган. Барча расмлардаги 1 эгри чизиқлар янги олинган юпка пардаларга тўғри келади.


4-расмдан келиб чиқадики, вакуумда тоблаш юпка пардаларнинг деформациявий хусусиятларининг ёмонлашишига олиб келади. Шу билан бирга, теллур буғида (6-расм) ва ҳавода (7-расм) тобланганда тензосезгирлик коэффициенти ошади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, теллур буғида ёки ҳавода тоблаш ҳам юпка пардалар барқарорлигини сезиларли яхшиланишига

олиб келади. Ҳавода юпқа пардаларни оптимал стабиллашадиган тоблаш вақти 6-8 соатни ташкил этади, бу эса 125<sup>0</sup>С ҳароратда теллур буғидаги шунга ўхшаш тоблаш вақтидан 4 соатга кам.

Афсуски, (Bi<sub>x</sub>Sb<sub>1-x</sub>)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> асосидаги қаттиқ қотишмалар юпқа пардаларининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири масаласи жуда кам ўрганилган. Маълумки, бу бирикмаларда кислород теллурнинг аналоги, яъни донор киришма каби ҳаракат қилади. Бир қатор ишларнинг муаллифлари вакуумда ва инерт газ муҳитида 200<sup>0</sup>С дан юқори иссиқлик билан ишлов бериш натижасида юпқа пардалар хусусиятларининг ўзгаришини юпқа пардаларнинг кислород билан ўзаро таъсири билан эмас, балки узоқ вақт товланиш пайтида заряд ташувчилар концентрациясини мувозанатга яқинлашиши билан боғлайди.



**6- расм. Янги тайёрланган (Bi<sub>0.25</sub> Sb<sub>0.75</sub>)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> (1) юпқа парданинг деформацион характеристика-лари ва теллур буғи таъсирида T = 125<sup>0</sup>С ҳароратда 2 соат (2), 4 соат (3) ва 6 ÷ 10 соат (4). W = 200 Å / с, T<sub>п</sub> = 90<sup>0</sup>С.**




**7- расм. (Bi<sub>0.25</sub>Sb<sub>0.75</sub>)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub> юпқа пардаларининг деформациялаш хусусиятлари, янги тайёрланган (1) ва атмосфера ҳавосида T = 125<sup>0</sup>С ҳароратда 2 соат давомида товланган (2), 4 соат (3) ва 6 ÷ 10 соат (4).**

8-расмда тўрт турдаги юпқа пардаларни қаршилигининг температурага боғлиқлиги кўрсатилган ((Bi<sub>x</sub>Sb<sub>1-x</sub>)<sub>2</sub>Te<sub>3</sub>). Янги тайёрланган (1) ва вакуумда товланган юпқа пардалар (мос ҳолда 1 ва 3 эгри чизиқлар), температурага ўзгаришларда R(T) 60<sup>0</sup>С да энг кам қийматга эга. Барқарорлаштириш тоблаши бутун температуралар оралиғида юпқа пардаларнинг қаршилигининг ошишига ва температуранинг ошиши билан қаршилиқнинг монотон пасайишига олиб келади. R(T) эгри чизиғида тахминан 60<sup>0</sup>С температурада характеристик минимумнинг мавжудлиги юпқа пардаларни яроксизлигининг экспериментал мезонидир. 20-120<sup>0</sup>С температура оралиғида қаршилиқнинг салбий температуравий коэффиценти бўлган юпқа пардалар энг яхши тензосезгирликка эга. Шундай қилиб, юпқа пардаларни вакуумда теллур буғида (4) ёки ҳавода (2) тоблаш уларнинг тензосезгирлигини барқарорлигини сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Бу ҳолда, қаршилиқнинг


температурага боғлиқлиги юпка пардаларнинг сифатини баҳолаш учун характеристика ҳисобланади.

9-расмда ПМ-1 полиамид тагликда конденсатланган юпка пардалар учун ўтқазуш тезлиги  $W$  нинг  $\rho$  ва  $K$  қийматига таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари кўрсатилган. Ушбу боғлиқликлар шуни кўрсатадики, ўтқазуш тезлигининг  $100 \text{ \AA} / \text{с}$  дан  $400 \text{ \AA} / \text{с}$  гача кўтарилиши билан юпка пардаларнинг қаршилиги  $\rho$  камаяди (эгри чизиқлар  $1^1, 2^1, 3^1$ ) ва тензосезгирлик коэффицентининг қиймати  $K$  (эгри чизиқлар 1, 2, 3) максималдан ўтади ( $W = 200 \text{ \AA} / \text{с}$ ), унинг амплитудаси буғланиш температураси билан белгиланади (бу ҳолда буғланиш температурасини ўзгартириш орқали ўтқазуш тезлиги ўзгартирилади). Эътибор беринг, дастлабки наъмуна массаси, таглик ҳарорати ва буғлатиш мосламаси билан таглик орасидаги масофанинг ўзгариши, бир хил буғланиш температурасида  $W$  нинг ўзгаришига олиб келди ва бу ҳам  $\rho$  ва  $K$  қийматларига таъсир кўрсатди.



**8- расм. Полиамид тагликдаги  $(\text{Bi}_{0.25}\text{Sb}_{0.75})_2\text{Te}_3$  юпка пардаларининг қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги ( $T_n = 90^\circ\text{C}$ ,  $W = 200 \text{ \AA} / \text{с}$ ,  $h = 6 \text{ мкм}$ ).**


Янги тайёрланган (1), 6 соат давомида  $125^\circ\text{C}$  температурада мос ҳолда ҳавода (2), вакуумда (3), теллур (4) иштирокида иссиқлик билан ишлов берилган.




**9- расм.  $(\text{Bi}_x\text{Sb}_{1-x})_2\text{Te}_3$  юпка пардаларининг солиштирма қаршилиги ( $1^1, 2^1, 3^1$  эгри чизиқлар) ва тензосезгирлик коэффицентини (1, 2, 3 эгри чизиқлар) полиамид таглик ҳароратида боғлиқлиги:  $T_n = 50^\circ\text{C}$  ( $1.1^1$ ),  $90^\circ\text{C}$  ( $2.2^1$ ),  $150^\circ\text{C}$  ( $3.3^1$ ).**

